БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (3017). | Шанба, 6 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Тошкентдаги Охунбобоев номли пахта тозалаш заводининг коллективи колхоз ва совхозларга энг яхши сифатли уруғлик чигитларни жўнатиб турибди. Суратда: Товаровед ўртоқ В. К. Мегафринов ва уруғчилик лабораториясининг мудири В. Е. Лавренко ўртоқлар уруғлик чигитларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИЙ МЕЗОН

Ўлка бўйлаб табиатнинг сулув келинчаги навбаҳор кезиб юрибди. У деҳқонлар қалбини қитиқлаб қадрдон далалар бағрига чорламоқда. Чиндан ҳам енг шимариб, пешона тангиб, бел боғлаб янги, баракали ҳосил учун курашга ундовчи дамлар бу. Шу олтин дамларнинг бугунги тонги ўзининг ўзгача жамоли билан ва ўзгача мазмуни билан отди.

Қурултой! Элимизга шон-шуҳрат, зафар келтирган 1964 йилга якун ясади. Кенг яғринида 3 миллион 666 минг тонна «оқ олтин» кўтариб, жонажон Ватан хазинасига тўккан, шу йўлдаги курашда жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган мардумайдонларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олди.

Қурултой арафасида барча совет кишиларининг қалбини ажойиб хушхабар қувонтириб юборди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 1 мартдаги Фармони билан республикамиз қишлоқ хўжалик, саноат, транспорт, қурилиш илғорлари, савдо, фан ва маданият ходимларидан 10 минг 996 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. 23 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидек юксак унвонга сазовор бўлганлар орасида бекободлик машҳур пахтакор, комплекс механизациялашган звено бошлиғи Абдубашор Усмоновнинг номини ҳам қурултой қатнашчилари ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олган эканлар, бу кимни фахрлантирмайди! Областимиз қишлоқ хўжалик новаторларидан жуда кўп кишилар Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени, Ҳурмат белгиси ордени ҳамда медаллар билан тақдирланган эканлар, бу ҳар бир пахтакорнинг, ҳар бир қишлоқ хўжалик жонкуярининг хизматига берилган юксак баҳодир.

Қурултой минбаридан Андижон ва Хоразмнинг, Фарғона ва Самарқанднинг, Қорақалпоқ ва Бухоронинг асл деҳқонларига тасанно эшитилганида пойтахт Тошкент пахтакорлари, сизларга алоҳида олқиш садолари ёғилди. Ахир сиз республикамиздагина эмас, мамлакатимизда биринчи бўлиб манзил пештоқига зафар байроғини қадай олдингиз. 300 минг ўрнига 342 минг тонна олтинзарни ардиғон этиб Ватан олдида, эл-юрт ва улуғ партия олдида берган ваъдангизга вафо қилдингиз.

Ўтган йили областимизда 3 мингга яқин тюпкочи, турсунойчилар, комплекс механизациянинг жарчилари, пахта далаларининг ҳақиқий гвардиячилари бўлиб жавлон уришди. Улар фақат ўз манфаатларинигина эмас, умумхалқ манфаатини кўзлаб меҳнат қилишди. Шу ер менинг она ерим, ундан унадиган ҳосил эса менинг, Ватанники деган олижаноб туйғуни ўз дилларига жо қилиб олишди. Ўзларига топширилган вазифанинг нақадар шарафли эканлигини онгли равишда тушуниб етишди.

Унлаб механизациялашган звено бошлиқлари машъаллар қаторидан муносиб ўрин олишди. Эндиликда бекободлик Абдубашор Усмонов, оққўрғонлик Жумабой Қувондиқов, Калинин районлик Озода Маматова, янгийўллик Турсуной Иўлдошева каби йигит ва қизларимизнинг номларини областимиздагина эмас, республикамизнинг ҳамма ерида: «улар чинакам «оқ олтин» ишқибозлари, ҳақиқий машъаллар» деб тилга олишади. Ана шу звено бошлиқлари пахта тайёрлаш йиллик планини 10—12 иш кунида бажаришди, ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олишди. Пахтанинг таннархини кескин камайтиришга эришишди.

Қурултой республикамизнинг барча областларида эришилган ана шундай улкан ютуқларни шарҳлаб ўтар экан, 1965 йил ўтган йилдагига қараганда ҳам зафарларга бой йил бўлсин, Ватанга армуғон этадиган «оқ олтин»имиз хирмонлари яна баландроқ бўй чўзсин, чорва маҳсулотлари кўпайсин, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини бир текис ривожлантирайлик, турмуш маданияти юксалаборсин деган олижаноб шиорни ўртага ташлади. Бу шиор қурултойда иштирок этаётган ҳар бир деҳқон учун катта мактаб ва дастур бўлади. Қурултойда белгиланадиган улкан режалар, ҳаётий тадбирлар уларнинг қалбига мўл ҳосил учун кураш илҳомини солади.

Хўш, бу режа ва тадбирлар нималардан иборат. Деҳқонлар улуғ етти йиллигининг сўнги йилини ҳар қачонгидан кўра аъло якунлаш, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ҳали мисли кўрилмаган даражада ошириш, республикамизда, шу жумладан областимизда «бу қолоқ хўжалик» деган сўзни луғатдан чиқариб ташлаш учун нималарга эътибор бермоқлари лозим?

Даставвал қишлоқ интеллигенцияси — агрономлар, инженерлар, дала гвардиячилари — тюпкочи ва турсунойчилар пахтачиликда суяги қотган тажрибали кекса деҳқонларимиз билан мустаҳкам ҳамкорликда деҳқончилик маданиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш чораларини кўрмоқлари керак. Суғориладиган ерлар битмас-туганмас бойлигимиз. Унинг ҳар қаричи қадрига етиб, ҳосилдорлигини ошириш учун бутун билимларини тажрибаларини, куч ва қувватларини сарфламоқлари зарур. Ерни экишга сифатли тайёрлаш, уруғлик чигитларни саралаш ва уни об-тобида ерга қадаб, қулай агротехника муддатларида бехато ундириб олиш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг биринчи галдаги мустаҳкам пойдевори экиналигини ҳеч қачон унутмаслик даркор. Механизация деҳқонинг чинакам дўсти бўлиб келди ва шундай бўлиб қоладн. Демак, ер ҳайдашдан тортиб етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар бўлган асосий ишларни техника гардонига юклаган деҳқон ҳеч қачон догда қолмайди.

Мана, қурултой пахтакорлар олдига ана шундай улкан ва шарафли вазифани қўйди. Уларни зафарга чорлади. Зафарга эришиш учун эса 1965 йил мўл ҳосили учун бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб асотидил меҳнат қилишга ундади.

Пахтакор ўртоқлар! Қурултойда белгиланган улкан режалар сизнинг режаларингиз, унга амал қилинг, енг шимариб ишга киришинг. Ҳосилингиз ҳар қачонгидан ҳам баракали бўлсин!

АГРЕГАТЛАР ШАЙ

Оққўрғондаги «Ленинобод» колхозининг пахтакорлари етти йилликнинг сўнгги йилида ҳар гектар пахта майдонидан 25 центнер дан ҳосил олишга сўз беришган.

Ҳосилдорликни бу йилнинг ўзида бирмунча ошириш деҳқонлардан сабот ва матонат билан, удабуронлик билан меҳнат қилишни талаб этади. Улар буни яхши тушунган ҳолда иш юритишяпти. Ерни семиртириш мақсадида ҳозиргача қарийб 7,5 минг тонна гўнг дала бошларига ташиб чиқарилди. Ез чилласида ғўзани кўнгилдагидек суғориш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида 4,5 минг километрга яқин ариқ-зовур қазиш ишлари бажарилди.

Колхоз механизаторлари ҳам экиш кампаниясига пухта тараддуд кўрмоқдалар. Уларнинг қиши билан қилган самарали меҳнати туфайли барча техника воситалари, жумладан 24 та чигит экиш агрегати сифатли ремонтдан чиқарилиб, экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

«Ленинобод» колхозининг азамат кишилари бу йилги баҳорни ёруғ юз билан кутиб олдилар.

Н. ТЎФОНОВ.

ҒОЛИБЛАР

Қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети собиқ «Госсредазстрой»га қарашли ташкилот ва корхоналарнинг ўтган йил тўртинчи кварталдаги ўзаро мусобақалари якунларини қўриб чиқди. СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти Оҳангарондаги «Узбекшахтострой» трести биноқорларига берилди.

«Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трести, Тошкент уйсозлик комбинати, собиқ «Главсредазиндустрия»га қарашли Тошкентдаги 1-ремонт-механика заводи коллективларига «Госсредазстрой» ҳамда қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи доимий сақлаш учун топширилди ва биринчи даражали пул мукофотлари берилди.

«Узсантехгазмонтаж» трестига қарашли 532-УНР коллективи иккинчи даражали пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

«Главсредазспецмонтаж»га қарашли «Средазтепломонтажстрой» трести собиқ «Главсредазстройиндустрия»га қарашли Қўйлиқ қумшағал карьери ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари учинчи даражали пул мукофотини олишди.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Эргаш бир вақтлар колхознинг олтинчи бригадасида тракторчи бўлиб ишларди. Бригада хўжалиқда энг қолоқ ҳисобланарди. Ушанда пахта ҳосилдорлиги 9-11 центнердан ошмас эди. Даромадга кўра буромад, дейишгандек колхозчилар меҳнатларидан кам манфаатдор бўлгач, ишга ҳам кам ҳафсалалик билан қарашарди.

1963 йили Эргашни шу бригадага раҳбар қилиб тайинлашди. Мана ўшандан буён учинчи йил ҳам ўтиб бораяпти. Бригадада аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Ўтган йили бригада пахта тайёрлаш йиллик планини колхозда биринчи бўлиб бажарди. Гектардан 26,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Колхозчилар ўз меҳнатлари самараларидан беҳад хурсанд. Ҳар бир меҳнат кунига беш сўмдан пул чиқди.

Муваффақиятлар осонликча қўлга киргани йўқ, албатта. Коллективга янги бригадир келгач, иш юришиб кетди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Чунки янги бригадир колхозчилар меҳнатини контроль қилиш билан бирга уларга меҳрибон бўлди. Коллектив билан доим ҳамкорликда ишлади. Терим вақтида «зангори кема»сини жавлон урдириб, бригаданинг 100 тонна пахтасини терди.

Коллектив ўртасида ташаббускорлик вужудга келди. Бригада пахтакорлари бирдам бўлиб янги ерлар ўзлаштиришга, ерга ер қўшиб «оқ олтин» майдонларини тобора кенгайтиришга отланишди. Икки йил ичида Тентаксой атрофидан 20 гектар бўз ер ўзлаштирилиб, пахта майдонлари 65 гектарга етказилди.

Қўрғонтепаликлар ташаббусига қўшилган Эргаш Жонталиев бригадаси миришкорлари бу йилги мўл ҳосилга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Шу кунгача дала бошларига ҳар гектар ҳосилига 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб қўйилди. Мавжуд ариқ-зовурлар тозалаб бўлинди. Экиш агрегатлари ҳам мавсумга тўла шай.

Т. ИМОМОВ.

Янгийўл, Энгельс номли колхоз.

ГЎШТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

БЎСТОНЛИҚ. Етти йилликнинг сўнгги йилини юксак меҳнат кўтаринкилиги билан бошлаган «Ленинград» колхозининг чорвадорлари дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш 1 квартал плани қарийб икки баравар ошириб бажарилди. Пландаги 11,5 тонна ўрнига 22,6 тонна семиз гўшт сотилди. Бунда Э. Қуролбоев ва М. Усмонов каби молбоқардарнинг ҳиссаси катта. Улар ўзларига бириктирилган икки ёшли новвослар ҳар бирининг вазанини қисқа вақт ичида 280 килограммга етказиб гўштга топширдилар.

Колхоз сут-товар фермасининг коллективи эса бу йил 170 тонна сут етиштириш учун курашмоқда.

В. ҚОДИРОВ.

ДОН ЭКИШ ҚИЗҒИН

БУКА («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Райондаги хўжаликларда баҳорги дон экиш кучайиб кетди. Кўпгина колхоз ва совхозларда ўтган йилгидек бу йил ҳам баҳорикор ерлардан мўл ҳосил етиштиришга катта аҳамият берилмоқда. Уруғлик текисланган ерларга ташланмоқда. Бу йил «Кўкорол» совхозининг галлакорлари 1431 гектар ерга бугдой экишади. Ишчилар ҳар бир кунни ғанимат билишиб экишда суръатга суръат қўшмоқдалар. Улар бир неча кун ичида 400 гектар ерга бугдой экиб қўйишди.

1-«Пискент» совхозида ҳам дон экиш кучайиб кетди. Бу ерда чуқур ҳайдалиб, сифатли текисланган ерларга баҳори бугдой ва нўхат экилмоқда. Райондаги Карл Маркс номли, «Ленинобод», Свердлов номли ва бошқа колхозларда ҳам баҳори бугдой, арпа экиш бошланиб кетди.

ХУКУМАТ МУКОФАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг қишлоқ хўжалик, саноат ва маданият соҳасида ишловчи меҳнаткашлари 3 мартда Тошкент область партия комитетининг мажлислар залига тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Адолат Рўзматовага, Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг раиси Умри Ҳасановага, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Ансара Агаличева, Шўрчи районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи Тоғай Абсаматова ва бошқаларга СССР Олий Совети Президиуми номидан тантанали вазиятда Ленин орденларини топширади.

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари И. И. Ладушкин, Сирдарё районидаги 6-совхознинг директори Саттор Усмонов ва Сурхондарё областидаги Комсомол 30 йиллиги номли совхознинг директори Ҳайдар Баратов сўзга чиқиб, ўз ишларига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига мукофотланганлар номидан катта раҳмат билдирдилар ҳамда бу йил қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришиш мажбуриятини олдилар.

Пировардида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин бу ерда ҳозир бўлганлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан тақдирланганларни ҳукумат мукофотлари билан қутлади ва уларга сиҳатсаломатлик ҳамда меҳнатда катта муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

ИНСОН ҚАДРИ

(ОЧЕРК)

□ □

ЖИЛҒАЛАР

ЖИЛҒАЛАР, жилғалар... Оқсоқол чўққиларнинг севинч ёшидай покиза томчилардан йиғилади-ю, дув этиб, пастибаланд қир-адрларга йўл олади. Не тўсиқлар чиқмайди олдидан?! Нелар жарликларга тушмайди. Аммо инсон юрагидай бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Олдинга, фақат олдинга интилади. Она-ер кўксига об-ҳаёт элтади. Оҳиста қўнғироқ чалиб, бойчечакларни уйғотади.

Унинг ҳаётини ҳам жилғаларга қиёс этсаммикан? Шу азиз бошига қўнган қировлар олтмиш йиллик умрнинг сермашаққат, аммо покиза меҳнат руҳидан далолат бермасмикин? Ҳа, инсон умри бир текис ўтган эмас ҳеч замонда. Ҳожи ака босиб ўтган шавкатли йиллар ҳам, пастибаланд йўллар ҳам кафтибаги чизиқлардай аниқ қолган ҳаёл дафтарида. У ҳар қачон олдинга интилди. Болалик йилларида, йигитлик даврларида жилғалардай тўлиб-тошди. Замонлар ўтиши билан азим дарёдай чуқур, сокин, салобатли бўлиб қолди. Фақат жилғалар тоғдан пастга оқса, у пастдан чўққига интилди. Мана, энди ўша чўққига етиб чиқди. Аммо хали чўққилар кўп, йўллар ҳам, йиллар ҳам беҳисоб.

КЕЧАЛАР...

ТАШҚАРИДА қор тўғён уради. Учқунларнинг пастак деразаларга асаблийлик билан урилиши аниқ эшитилади. Ҳожи саксовул чўғидан бозиллаб турган ганчанинг бир четида ўтириб олганича тоғасининг ишини томоша қилади. Соат тоға уйнинг ўртасида чўккалаб олганича енгоқ ёғочидан ясалган эшикка Боғдод нусха гуллар ёяди. Исканинг қиртиллаши, ёғочни мумдай ўяётган шутургардоннинг шириллаши уй ичига қўнган сукутни бузиб, жон киритгандай бўлади хонага.

Шунақа узоқ қиш кечалари Ҳожи тоғасиникига ҳар куни чиқиб турарди. Ез бўйи отаси билан Ҳасанбой қишлоғида деҳқончилик қиладиган йигитчага тоғасининг касби алланечук сирли кўринади. Ёшга жон киргизиш осон эмми?

— Чидам керак жиян, чидам, — дейди тоғаси салмоқлаб. — Ўймакор бўлишни ҳаммаям орзу қилавераді. Лекин ҳаммаям ўймакор бўлолмайди.

Эҳтимол йигитчанинг орзу-ҳаваслар билан ёна бошлаган қалбида ўймакорликдай сермашаққат касбга ўша қиш кечаларида ҳавас уйғотгандир. Шу нафис ҳунарга эҳтимол ўша кечалар меҳр қўйгандир. Бўлмаса акаси Мақсуд билан ҳар оқшом тоғасининг уйига чиқиб, мижжа қоқмай ўтирармиди? Шогирд тутгармиди ўнга?

НАҚҚОШ САНЪАТИ

ЯХШИ ўймакор бўлиш учун сабр-тоқатнинг ўзи кифоя қилмас экан. Дид ҳам керак бўларкан. Ҳожи устозининг қўлида беш-олти йил ишлаганидан кейин тушунди бунга. Эски қолипдаги гулларни ўяверiш қаноатлантирмай қўйди уни. Йигит ўз диди билан янги хил гуллар ўябошлади. Эски «юнон» услубидаги гуллар енига янгича нақшлар қўшила бошлади.

Ўттиз биринчи йилнинг айни саратонида Ҳожининг олдида тақдир дарвозалари бирдан кенг очилиб қолди. Тошкентда бадиий саноат техникуми очилди. Мақсуд акаси билан Ҳожи техникумнинг ўймакорлик бўлимига киришди. Қўқонлик машҳур ўймакор Абдураззоқ ота Ҳожини ўз тарбиясига олди. Қўли ишга келиб қолгач шогирд тўрт йиллик техникумни икки йилда битириб, шу ернинг ўзида инструктор бўлиб қолди. Энди унинг ўзи устоз.

Гоҳо шунақа пайтлар ҳам бўладики, ўзи учун энг севимли энг мукаддас бўлиб қолган касбдан бошқа ишга — яъни заррорқ касбга ўтишни лозим топади киши. Ҳожи ҳам шундай қилди. Уруш суронлари ўша нафис, ўша нозик касбни вақтинча ўзгартиришга мажбур этди уни. Уруш бошланган ҳафтаданоқ Ҳожи Тошкентдаги фабрикалардан бирида дурадгорлик қила бошлади. У ўз ишидан мамнун эди. Энг муҳим, энг зарур жойда меҳнат қиляпти, элга нафи тегяпти, шунинг ўзи бас!

Кунларнинг бирида Муқимий номли театрнинг эшигига гул солиб ўрнатиб беришга илтимос қилишди. Қизиқ, ҳамма ёқда уруш ташвиши. Бу ерда бўлса театр қад кўтаряпти.

Ўзи билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган кишиларнинг қанчалар иродали, қанчалар мустаҳкам инсонлар эканини, тақдирини ўз қўли билан кратаётганини эҳтимол ўшанда юрагининг туб-тубидан яъни чуқурроқ ҳис этгандир... Шу азиз инсонларга, шу қадрдон она тупроққа бўлган меҳр-муҳаббатининг ҳаммасини ўз санъатида, ўз меҳнатида ифодалади у. Эшик икки ойда тайёр бўлди.

Кейин Навоий театрининг деворларига гул солишда катнашди. «Тошкент», «Фарғона» залларини безатди. Орадан неча-неча йиллар ўтиб кетди. Неча-неча жилғалар оқиб ўтди. Ўша йиллар эса ўтмишдан порлоқ хотира бўлиб, ҳозир ҳам яшнаб турибди.

ОТА ИЗИДАН

ҲОЖИ ака, бундай ҳисобларни кўрса, янги ишга ўтганига ҳам йигирма йил бўлиб қолибди. Трестдагилар энг яхши сувоқчилардан йигирма кишига бригадир қилиб қўйишди уни. Шогирдлари яхши йигитлар чиқиб қолишди. Бирини мақтаса, бошқасини камситаётгандай бўлиб кетади. Абдурайим Отажонов билан Рўзи Тоғаев ҳам, Виктор Новиков билан Неъматулла Раҳматуллаев ҳам, Абдурасул Комилов билан Наби Ҳасанов ҳам — ҳаммаси бир-биридан қолишмайди. Ҳар касбнинг ўз гули, ўз тикани бўлади, ўрганмаган одам бир соат шифтни суваб кўрсин-чи? Гардани қотиб қолгандай бўлади. Йўқ, Ҳожи аканинг шогирдлари ўз касбига меҳр қўйган йигитлар. Керак пайтида сувоқни ҳам, ганчга гул ўйишни ҳам ўрнига қўяди.

Қайси ота боласининг ўз изидан боришини хоҳламайди. Ҳожи ака уч ўғил, беш қизни тарбиялади. Фарзандлари ҳақиқий инсон бўлиб етишганини кўрганида қувонмайдими у?

Тўнғич ўғли Шокир ўнинчини битирганида илк бор отасига айтган сўзи шу бўлди:

— Дада! Мен ҳам сувоқчи бўламан! Олинг, мени бригадангизга олинг!

Шокир, ота ўғли эканини кўрсатди. Бригаданинг келажак разведкачилари номини олишига ҳамма қатори ўз улушини қўшди.

Иккинчи фарзанди Зокир ҳам, кенжа ўғли Толиб ҳам мактаб партасидан чиқишдию, шу бригадага келишди. Ота учун бундан ҳам қувончликроқ, бундан ҳам азизроқ нарса борми дунёда!

ҚАҲРАМОНЛИК

ЁШЛАР кексайишни ўйлашмайди. Лекин кексалар ёшлигини кўп эслайди. Кейинги пайтларда Ҳожи ака дўст-биродарлари билан кечқурунлари узоқ-узоқ гурунглашадиган, олис ўтмиш сўқмоқларида қолиб кетган ёшлик дамларини эслайдиган бўлиб қолди.

Бугун ҳам у маҳалланинг мўйсафидлари билан узоқ суҳбатлашди. Ярим кечада уйга қайтди. Эшикдан кириши билан безатилган стол атрофида ўтирган меҳмонларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди.

Уйнинг тўрида ўтирган киши сокраб турди-ю, маҳкам қучоқлаб олиб, икки юзидан ўпа бошлади.

— Қани, олтмиш ёшлик қаҳрамон! Тўнни ечинг энди! Бунисиҳамир учидан патир бўлсин. Суюнчиси билан эшефати кейин бўлсаям майли.

Уйдагиларнинг ҳаммаси бир-бирига гал бермай қучоқлай бошлашди уни. Ҳожи ака ҳайрон бўлиб қолди.

— Нима гап ўзи?

— Э, ҳалиям билмайсизми? Қаҳрамон... қаҳрамон бўлибсиз! Ҳозир телевизорда айтишди. 159-трестнинг сувоқчиси Ҳожи Қосимов — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони...

Рост, Санъат саройини қуришда ҳам, аспирантлар уйини бунёд этишда ҳам, неча-неча мактабларни қўтаришда ҳам қўли бор унинг. Лекин бунинг нимаси қаҳрамонлик?

Ҳожи ака қаҳрамон бўлишни, Олтин Медаль олишни ўйламаган эди. Катта-кичик ўртасида шиҳрат қозонишни ўйламаган эди. Юрт учун хизматда бўлди. Юрт унинг иззатини жойига қўйди.

Ҳожи ака қучоғини кенг очиб дўстлар даврасига отилди. Азим дарёдай сокин қалб тағин жилғалардай жўш уриб кетди. Бу жилғалар тинмайди ҳали! Йўллар, йиллар олдинда!

Ғ. ҲОШИМОВ.

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Ҳожи ака Қосимов ўз ўғиллари (чапда) Шокир ва Зокир билан.

В. Салов фотоси.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

(Давоми. Боши газетамизнинг шу йил 3-март, 5-март сонларида босилган).

<>

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришда қилган жуда катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1965 йил 1 мартдаги Фармони билан қуйидагиларни мукофотлади.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Қосимов Наби — Бекобод шаҳридаги 18-автобаза слесари.

Қосимова Турдихон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозининг сут соғувчиси.

Қосимова Сония — Бекобод шаҳридаги 9-мактаб директорининг ўринбосари.

Қаюмов Нормат — Бекобод район электр тармоқларининг старший электромонтери.

Кенбоева Гулзайнаб — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Кенжаев Холбой — «Узбекуголь» комбинати юк ортиш транспорт бошқармасининг ишчиси.

Кидиров Туран — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Килинкаров Александр Абрамович — «Узбекгидроэнергострой» трести механизациялашган ишлар бошқармасининг бошлиғи.

Ким Надежда Ивановна — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси.

Ким Дмитрий Александрович — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

Ким Николай — Юқори Чирчиқ район кинофикация бўлимининг киномеханиги.

Ким Пен Хва — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси.

Кислицина Нинель Александровна — Бекобод цемент комбинати майдалаш бўлимининг бригада бошлиғи.

Киткин Юрий Иванович — Бекобод гўшт комбинатининг машинисти.

Кладова Мария Николаевна — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг сут соғувчиси.

Ковалева Мария Александровна — Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг бригада бошлиғи.

Козлова Нина Александровна — «Чирчиккоргаз» трестининг слесари.

Колесникова Нина Петровна — Олмалиқ шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси.

Коровина Любовь Михайловна — Янгийўл пахта тозалаш заводининг ишчиси.

Королева Таисия Михайловна — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг электрослесари.

Королькова Анастасия Ивановна — Бекобод районидаги 11-мактаб ўқитувчиси.

Костенкова Ольга Васильевна — Янгиобод шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Костина Елизавета Ивановна — Чирчиқ трансформатор заводининг штамповкачиси.

Кренделев Василий Степанович — Чирчиқ шаҳар маданият бўлимининг мудири.

Кульков Кирилл Петрович — шофер.

Қулмуҳамедова Умри — Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси.

Қурбонбоев Абдулла — Янгийўл шаҳридаги Навоий номли мактаб ўқитувчиси.

Қурбонқулова Тургангул — Юқори Чирчиқ районидаги «Узбекистон» колхозининг аъзоси.

Қуртсалиева Фатма — Бекобод темир-бетон буюмлари заводининг кран машинисти.

Қушқорова Шарофат — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Лапина Анна Алексеевна — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати подстанциясининг навбатчиси.

Лебедков Андрей Дмитриевич — «Узбекуголь» комбинатининг бошлиғи.

Ли Антон Васильевич — Бўка район матлубот жамиятининг раиси.

Ли Петр Васильевич — Янгийўл шаҳридаги В. И. Ленин номли мактаб ўқитувчиси.

Липатова Евдокия Семеновна — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз фельдшерлик-акушерлик пунктининг мудири.

Логинова Елизавета Ивановна — Юқори Чирчиқ районидаги 12-боғвиночилик совхозининг сут соғувчиси.

Мавлудов Зайниддин — Янгийўл районидаги «Чиноз» пахта тозалаш заводининг старший товароведи.

Маъдиев Орифжон — Ўрта Чирчиқ район даволаш-санитария бирлашмасининг бош врачи.

Мадалиева Гулсара — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Мажидова Тожихол — Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Мадумаров Абдурасул — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг тракторчиси.

Мазинов Бекир Маметович — область суғориш тармоқлари 1-қурилиш участкасининг бошлиғи.

Макушина Екатерина Алексеевна — Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхозининг сут соғувчиси.

Мамажонов Акромжон — «Алмаликсвинецстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси.

Мамажонов Ҳамид — Янгийўл бош пилла сушилкасининг директори.

Мамолов Туйла — Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг бригада бошлиғи.

Маматқулов Абдураим — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз тракторчиси.

Мамаюсупов Абдиғани — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз тракторчиси.

Мамутов Рустам — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз тракторчиси.

Маъруфова Сожи — Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Марқабоев Сотиболди — Янгийўл районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси.

Мартин Иван Николаевич — 160- қурилиш трести «Чирчиккилстрой» бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Масленкова Вера Тарасовна — 160- қурилиш трести 225-УНР сининг гишт терувчиси.

Матқобулов Абдижамил — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

Маҳкамов Собир — Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти ўқув-хўжалигининг тракторчиси.

Махкамова Мамлакат — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

Мельникова Полина Семеновна — Чирчиқ умумий овқатланиш трестининг бош ошпази.

Мингбоева Рўзи — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси.

Миннихонов Равил Амирович — Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг тракторчиси.

Мироқилов Миробид — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Мирзаев Неъмат — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг вальцовкачиси.

Мирзараҳимов Мирзакарим Ўтанбоевич — Оҳангарон ГРЭСининг турбина машинисти.

Молдабеков Усмонқул — Оққўрғон районидаги Войтинцев номли колхоз аъзоси.

Молчанов Дмитрий Матвеевич — Ўзбекистон КП Тошкент область комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Морозов Александр Васильевич — «Алмаликсвинецстрой» трести ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Муродалиев Салимжон — Фарҳод ГЭСининг кран машинисти.

Муртазиев Иброҳим — «Узсантехмонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармасининг сантехник слесари.

Мусабеков Маткарим — Калинин районидаги 4-«Дамачи» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

Мусаев Яйлов — Юқори Чирчиқ районидаги 12-боғ-виночилик совхозининг шофери.

Набиев Фаттоҳ — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг бригада бошлиғи.

Нагаева Фотиҳа Ҳасановна — Бекобод районидаги 1-касалхона участка врачи.

Назаров Абдумалик Унгарович — Калинин районидаги «Тошкент» совхозининг тракторчиси.

Назиралиева Маъфират — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Назирова Манзура — Бўка районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.

Нарзиев Чўли — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз тракторчиси.

Норқулов Абдукарим — Янгийўл районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг тракторчиси.

Норова Қурбонгул — Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

Норхўжаев Хожиявой — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи.

Неделин Владимир Фирсович — слесарлар бригадири.

Нематова Антонина Ивановна — Бекобод станциясининг старший стрелкачиси.

Никитина Татьяна Исааковна — Чирчиқ электрохимия комбинатининг асбобчиси.

Нишонбоев Ғуломқодир — 6-қурилиш трести Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармасининг бригада бошлиғи.

Нишонов Остонқул — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз тракторчиси.

Ниёзов Раҳматулла — «ТашГРЭСстрой»нинг сувоқчиси.

Норматов Деҳқон — Янгийўл районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

Норишев Иван Павлович — Бекобод цемент комбинати слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Нурматова Махсуда — Бекобод районидаги «Коминтерн» номли 23-мактаб ўқитувчиси.

Нурматов Асатулла — Оржоникидзе районидаги 13-«Бўстонлиқ» совхозининг ишчиси.

Нуриддинов Ҳомидхўжа — Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи.

Нуриддинов Шамси — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг мастери.

Огаркова Нина Ивановна — «Узбекуголь» комбинати юк ортиш транспорт бошқармаси юк хизматининг бошлиғи.

Огнева Любовь Петровна — Бекобод нон заводининг ачитқи қайнатувчиси.

Онбаши Жеваир — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг сут соғувчиси.

Пойшонов Баҳром — Бўка район комсомол комитетининг секретари.

Пак Владимир Иванович — Оқкўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия ташкилотининг секретари.

Пак Иннокентий — Бекобод районидаги «Октябрь 46» йиллиги совхозининг ишчиси.

Пак Ким Чер — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз устахоналарининг мудири.

Паромонов Алексей Николаевич — «Узсельхозтехника» Бўка район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Парпиев Парда — проходчи.

Парпиева Олчагул — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

Порсоев Иброҳим — область халқ маорифи бўлимининг мудири.

Пардобоева Шокира — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Петренко Мария Александровна — Бекобод гўшт комбинатининг ишчиси.

Петров Георгий Степанович — «Узбекгидроэнергострой» трести слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Петров Илья Фролович — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг электрослесари.

Петухов Иван Семенович — Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон совхозининг темирчиси.

Пикулина Лидия Николаевна — В. И. Ленин номидаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати темир йўл цехининг стрелкачиси.

Погорелов Василий Павлович — «Узсельхозтехника» Бўка район Пискент бўлимининг директори.

Погорелов Михаил Яковлевич — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи.

Подобашева Мария Михайловна — Чирчиқ шаҳар 1-касалхонасининг санитари.

Палатова Сирга — Оржоникидзе районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Поморцев Василий Иванович — забойчи.

Попов Борис Михайлович — Бўка районидаги «Бўка» совхозининг бош агрономи.

Попов Евгений Эдуардович — «Главстройиндустрия» Олмалиқ норуда қурилиш материаллари карьерининг экскаватор машинисти.

Прудников Петр Михайлович — Калинин районидаги «Тошкент» совхозининг тракторчиси.

Радулова Татьяна Федоровна — лебедка машинисти.

Раззоқова Нафиса — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг аъзоси.

Расулов Муса — Ўрта Чирчиқ районидаги 36-мактаб ўқитувчиси.

Раҳмонова Бадастир — Оққўрғон районидаги пахта тайёрлаш пунктининг мудири.

Раҳмонова Жамила — Олмалиқ юқумли касалликлар касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Резников Виктор Петрович — «Чарвоқ ГЭСстрой» бинокорлик материаллари заводининг электр пайвандчиси.

Рисқулов Раззоқ — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

Рогачев Василий Петрович — «Узсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Рожкова Ольга Филипповна — Оҳангарон ГРЭСининг моторист-слесари.

Рудак Роман Иванович — «ТашГРЭСстрой»нинг участкасида бошлиғи.

Рўзиева Маҳбуба Нуруллаевна — Ўрта Чирчиқ районидаги 60-мактаб ўқитувчиси.

Рўзиматов Мирзаахмад — «АнгренГРЭСстрой» йўл қурувчилар бригадаси бошлиғи.

Рустамов Исом — Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

Рустамов Султонқул — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

Рустамов Эрмонали — «Узтрансспецстрой» трести 980-УНР сининг Янгийўл ихтисослашган участкаси электромонтёри.

Рутковский Константин Петрович — 160-қурилиш трести «Чирчиккимстрой» бошқармасининг старший иш юритувчиси.

Собиров Қўчқор — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти экспериментал заводининг фрезеровкачиси.

Собирова Назира — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси.

Савельева Анна Владимировна — «Юлдуз» фирмаси 2-тикувчилик филиалининг моторист-тикувчиси.

Содиқбоев Зайнулла — Янгийўл районидаги 4-«Чиноз» наслчилик совхозининг бригада бошлиғи.

Содиқов Ўсар Сиддиқович — Чирчиқ шаҳридаги 19-ҳунар-билим юртининг директори.

Саидов Исматилла Усмонович — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 896-Янгийўл қурилиш бошқармасининг экскаватор машинисти.

Саидова Дилором — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Саидхўжаев Муҳаммадали — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози раисининг ўринбосари.

Саидматова Омон — Оржоникидзе районидаги 14-«Ҳўжакент» совхозининг сут соғувчиси.

Сайфуллин Исмоил Сайфулович — Оржоникидзе районидаги «Ғазалкент» консерва заводининг ишчиси.

Сайфуллин Рафқат Ғазизович — «Узсельхозтехника» Юқори Чирчиқ район бирлашмаси ихтисослашган устахонасининг слесари.

Сайфуров Тайфур — Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг звено бошлиғи.

Саликаева Рашида — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

Салимов Татьяна Анастасьевна — «Чирчиксельмаш» заводи стерженчиси.

Салова Антонина Алексеевна — Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон» совхози сут соғувчиси.

Салтикова Мария Ивановна — В. И. Ленин номли Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати саралаш фабрикаси ишчиси.

Самабоев Эргаш — Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Сатторов Маҳмуд — «Узбекуголь» комбинати юк ортиш-транспорт бошқармаси кондуктори.

Сегаль Этель Марковна — 6-қурилиш трести 704-УНР бинокори.

Сечина Мария Федоровна — Юқори Чирчиқ район марказий касалхонаси ҳамшираси.

Симакова Клавдия Ивановна — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Суворова Зинаида Фоминична — 4-Оҳангарон темир-бетон буюмлари заводи бригада бошлиғи.

Сулаймонов Парпи — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Сулаймонова Хосият — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Султонов Моут — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг бригада бошлиғи.

Султонова Қутфия — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчилар кооперациясига қарашли 5-магазин мудири.

Тожибоев Турунтой Ҳасанович — В. И. Ленин номли Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати саралаш фабрикасининг бош флотатори.

Тожибоева Жония — Оққўрғон районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Тожиқулова Тўти — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Танева Маъсуда — Бўка районидаги Пискент поселкаси зонал касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Тараненко Петр Зиновьевич — Чирчиқ ойнасозлик заводи упаковкачиси.

Таранова Анна Михайловна — Бўка район марказий касалхонаси акушеркаси.

Тошматов Рихсибой — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози тракторчиси.

Тен Сергей — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози бригада бошлиғи.

Тен Марфа Александровна — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози аъзоси.

Терешенко Василий Иванович — Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси бош агрономи.

Терешкин Алексей Васильевич — «Ўзбекиммаш» заводи бригада бошлиғи.

Ткаченко Зоя Александровна — Чирчиқ индустриал техникумининг ўқитувчиси.

Токарев Ҳалит — 6-қурилиш трести 704-УНР сувоқчиси.

Толстолуцкая Мелания Поликарповна — Ўрта Осиё машина синаш станцияси тажриба хўжалигининг сут соғувчиси.

Тўлибоева Иса — Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Тўрабеков Серикбой — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Туропова Тоин — Оққўрғон районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Турғунбоев Умар — «Ташавтомаш» заводи электр пайвандчиси.

Тўхтаев Ҳалим — электровоз машинисти.

Тюпко Валентин Афанасьевич — Оққўрғон районидаги 2-«Оққўрғон» совхози бригада бошлиғи.

Уваров Иван Данилович — «Чирчиксельмаш» заводи токари.

Умаров Қодир — Оҳангарон геология-разведка партиясининг мустаҳкамловчиси.

Ўрозова Тошбуви — Янгийўл сил касалликлари диспансерининг ҳамшираси.

Ўралова Ўрозгул — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Усеинова Фотима — Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор жут-каноп заводи ишчиси.

Усенова Гулзода — Бўка районидаги «Кўқорол» совхози ишчиси.

Усмонов Эсонбой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози раиси.

Усмонов Карим — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Усмонов Раҳмат — Янгийўл район ижроия комитетининг раиси.

Усмонов Умарали — Бўка районидаги «Кўқорол» совхози тракторчиси.

Усмонов Ҳайдарали — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози тракторчиси.

Усмонова Карима — Калинин районидаги «Қорасув» совхози сут соғувчиси.

Ўтонов Мамадали — Ўрта Чирчиқ районидаги 92-мактаб директори.

Федорова Нина Алексеевна — В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи медицина-санитария қисмининг акушеркаси.

Фокин Юрий Николаевич — Оҳангарон цемент-шифер комбинати тепловоз машинисти.

Фрицлер Иван Иванович — «Узбекшахтострой» трести ремонт проект базасининг асбобсоз слесари.

Ҳабибуллин Адган Шагатарович — Оҳангарон шаҳридаги 9-шахта новолоотбойчиси.

Ҳўжаев Маъди — откатчик.

Ҳожибобоев Ҳазраткул — Янгийўл районидаги Чиноз қум-шағал карьерининг бульдозер машинисти.

Ҳайбердиева Насиба — «Узбекшахтострой» трести 3-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

Ҳайдаров Ғуломжон — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози раиси.

Халетова Роза Шокировна — Бўка районидаги 43-мактаб ўқитувчиси.

Ҳоликов Абдуғани — Ўрта Чирчиқ районидаги Қорахитой зонал касалхонасининг фельдшери.

Ҳолматов Ашур — В. И. Ленин номли Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати электровоз машинисти ёрдамчиси.

Ҳамидуллина Салима — Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Ҳамроев Мирусмон — Бўка районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Хан Валентин Андреевич — Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхози раиси.

Хан Спартак Петрович — Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчи инспектори.

Ҳасанова Вера Васильевна — «Узбекуголь» комбинати капитал қурилиш бошқармаси ишчиси.

Ҳасанова Мастура — Оққўрғон районидаги 2-«Оққўрғон» совхози ишчиси.

Хаханов Виктор Николаевич — Тошкент ГРЭС қурилиши монтажчиси.

Хван Александр Николаевич — Ўрта Чирчиқ районидаги 58-мактаб илмий бўлим мудири.

Хван Ман-Гим Григорьевич — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози раиси.

Хидиров Исроил — «Узбекуголь» комбинати кон устини очиш разрези йўл қурувчилари бригадасининг бошлиғи.

Хлопкова Лидия Борисовна — Оҳангарон шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси.

Хўжаев Турди — Чирчиқ электрохимия комбинати слесарлар бригадаси бошлиғи.

Холдоров Тошпар — Калинин районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Хохлова Таисия Петровна — Бекобод шаҳар касалхонаси старший акушеркаси.

Худойбердиева Тинжи — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози сут соғувчиси.

Хусанинова Минихазар — Калинин районидаги 1-Қўйлиқ йўл эксплуатация участкаси ишчиси.

Ҳусанова Тўхта — Ўзбекистон КП Оққўрғон район комитети инструктори.

Ҳусанова Мастура — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Ҳусанова Тўрапошша — Оққўрғон район халқ маорифи бўлими мудири.

Царевский Владимир Иванович — ТашГРЭС қурилиши электр пайвандчиси.

Цой Дя Сен — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози бригада бошлиғи.

Цой Иван Антонович — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози раиси.

Цой Мария — Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхози аъзоси.

Чебанов Ҳалил Абдулович — 160-қурилиш трести 222-УНР бригада бошлиғи.

Чепко Евгений Степанович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг бўлим мудири.

Чепурова Фрида Лейбовна — Оржоникидзе алоқа узелининг почтальони.

Чуванов Тўрабек — Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи.

Шомуродова Ҳолпошша — Калинин районидаги Свердлов номли колхоз сут соғувчиси.

Шоносиров Шотурсун Суннатович — В. И. Ленин номли Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати мис эритиш заводи эритувчиси.

Шарипов Орифжон — Чирчиқ шаҳар милиция бўлимининг командири.

Шевелов Степан Степанович — Чирчиқ трансформатор заводи слесари.

Шербоева Ўғилой — Янгийўл районидаги Киров номли колхоз сут соғувчиси.

Шерматов Маҳмуд — Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинати машинисти.

Шокало Зинаида Григорьевна — Янгийўл алоқа узели телефонистка.

Шукуров Маъруф — Янгийўлдаги 8-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Шукуров Сирожиддин — Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

Шукурова Гулсаҳар — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси.

Шуханов Иброҳим — Калинин районидаги «Тошкент» совхози тракторчиси.

Эгамбоев Холбўта — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Эгамбердиев Раззоқ Пирмуҳамедович — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози тракторчиси.

Эгамбердиев Холикберди — Бекобод районидаги «Чаноқ» совхози звено бошлиғи.

Эм Алексей Васильевич — Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси старший ирригатор-инженери.

Эминова Раиса Алексеевна — Тошкент паррандачилик фабрикаси парранда боқари.

Эрматов Шерали — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи.

Эшмуҳамедов Корабой — Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоз звено бошлиғи.

Эшов Хурсанали — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Ўлдошев Ашир — «Узсельхозтехника» Калинин район бирлашмасининг слесари.

Ўлдошев Дароб Эргашевич — Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб директори.

Ўлдошев Нишон — Оржоникидзе районидаги «Чирчиқ» колхози чўпони.

Ўлдошев Тостон — Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Ўлдошева Каромат Абдужабборовна — Чирчиқ пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Ўлдошева Ҳоли — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхоз аъзоси.

Ўлляхшиев Отақул — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз тракторчиси.

Юсупов Раимбек — Оҳангарондаги 7-автотранспорт конторасининг шофери.

Юсупов Усмон — Янгийўл районидаги «Халқобод» комбинати директори.

Юсупова Ҳамро — Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Яковенко Анна Ивановна — «Узбекуголь» комбинати капитал қурилиш бошқармаси ишчиси.

Яковлева Екатерина Ивановна — Янгийўлдаги 2-босмахона муковачиси.

Ёқубов Сарвар — Ғўғунитти-фоқ пахтачилик илмий-текшириш институти экспериментал хўжалиги тракторчилар звеноси бошлиғи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Зикрулла Абдуллаевич — Тошкент тўқимачилик комбинати директори.

Алпатова Мария Федоровна — Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикаси йигирувчиси.

Атҳамов Акром — 1-пойафзал фабрикаси қолипловчиси.

Брикаев Константин Тимофеевич — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи монтёри.

Воронцова Мария Григорьевна — бригадир.

Гайгуров Леонид Ҳусаинович — «Средазтранстрой» трести 209-қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси.

Исломова Мамлакат — Ўзбекистон халқ хўжалиги кенгаши пайпоқ-трикотаж фабрикаси бригада бошлиғи.

Қори-Ниёзов Тошмуҳаммад — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти кафедраси мудири.

Қосимов Карим Жалолович — йигувчи.

Қосимов Шароп — «Узбексельмаш» заводи старший мастери.

Киндеров Иван Алексеевич — «Главиндустрия» 1-ремонт-механика заводи токари.

Крот Григорий Федорович — «Компрессор» заводи слесари.

Лебедов Николай Сергеевич — «Таштекстильмаш» заводи қолипловчиси.

Лукина Зоя Николаевна — 61-мактаб ўқитувчиси.

Мансуров Мурод — 1-босмахона старший мастери.

Махров Пётр Алексеевич — «Ташсельмаш» заводининг инженер-технологи.

Николаев Василий Павлович — йигувчи-слесарь.

Нурмуҳамедова Ойша — 153-қурилиш трести 14-қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси.

Пихтин Яков Иванович — 153-қурилиш трести 2-қурилиш бошқармаси бригадаси бошлиғи.

Расулева Инобат — 20-мактаб ўқитувчиси.

Саватюгин Борис Антонович — «Таштекстильмаш» заводи марказий лабораторияси бошлиғи.

Содиқов Обид Содиқович — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ректори.

Сергеев Николай Иванович — абразив буюмлари комбинати слесари.

Сойнова Маргарита Ивановна — Ўзбекистон трактор-йигув заводи штамповкачиси.

Толипов Турғун — «Узбекхлопкомаш» заводи созловчи-слесари.

Фадин Семён Дмитриевич — «Ташсельмаш» заводи мастери.

Федотов Виктор Михайлович — «Подъёмник» заводи токари.

Ҳамроқулов Боҳовутдин — 2-вагон депоси слесари.

Черников Андрей Егорович — 159-қурилиш трести 11-қурилиш бошқармаси сувоқчиси.

Ўлдошев Тилла — «Ташкенткабель» заводи смена мастери.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Аббосов Шуҳрат Солиҳович — «Узбекфильм» киностудияси режиссёр-постановкачиси.

Абдурахмонов Қаюм — 1-авторемонт заводи слесари.

Акудин Александр Дмитриевич — слесарь.

Алимова Наима — 5-автобус парки шофери.

Алимова Хатира — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган босмахонаси печатниги.

Антимонова Ульяна Феофановна — 1-босмахона муковачиси.

Орифхонова Назокат Обидовна — врачлар малакасини ошириш институти ассистенти.

Асомов Ҳусниддин — Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси.

Отабоева Ҳикоят — 3-туғруқхона акушеркаси.

Бозорбоев Эргаш — Тошкент қурилиш материаллари комбинати ишчиси.

Батарин Николай Иванович — «Теплоэлектроцентраль» директори.

Боҳодиров Ҳолхожи — 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармаси бригадири.

Баязитов Геннадий Темирович — уйсозлик комбинати бригада бошлиғи.

Беликов Пётр Степанович — ремонт-экскаватор заводи слесари.

Берёзин Василий Елизарович — «Стройметанизация» трести экскаватор машинисти.

Булкин Александр Заҳарович — «Юлдуз» тикувчилик фирмаси старший механиги.

Воронина Галина Ивановна — 2-авторемонт заводи электр слесари.

Веряскин Иван Гаврилович — «Узэлектромонтаж» трести Тошкент бошқармаси электромонтёри.

Гайшинц Александр Николаевич — граждан ҳаво флотининг кема командири.

Гофурова Мастура — «Узбексельмаш» заводи галванчиси.

Генкина Ревек Яковлевна — Роза Люксембург номли болалар касалхонаси бўлим мудири.

Гиенко Борис Федорович — Тошкент Давлат консерваторияси доценти.

Гурова Мария Осиповна — Чкалов номли металл буюмлари заводи штамповкачиси.

Добринченко Анна Павловна — 6-туғруқхона акушеркаси.

Зайцева Мария Михайловна — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи токари.

Зоҳидов Шер — Тошкент илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлари киностудияси кинооператори.

Иброҳимова Шукриниса — участка бригадири.

Эрназаров Маҳкам — «Таштекстильмаш» заводи қирқувчи-тайёрловчиси.

Эрназаров Маҳмуд — 3-нон заводи садчиги.

Эртоев Содиқ Кушанбоевич — «Металлоштамп» заводи бригадири.

Исломбеков Султон Қоплонович — химия фармацевтика заводи директори.

Қодиров Ғофур — Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Казакова Лукерья Петровна — уйсозлик комбинати пардозчиси.

Казарова Любовь Сергеевна — «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ишчиси.

Комилов Самиг — трамвай-троллейбус бошқармаси мастери.

Қосимов Эргаш — 1-пойафзал фабрикаси бичиқчиси.

Ковиршина Нина Ильинична — 69-мактаб илмий бўлим мудири.

Койка Александра Андронниковна — «Ташсельмаш» заводи деталлар полировкачиси.

Комова Екатерина Ивановна — 1-пойафзал фабрикаси ишчиси.

Кочерова Евдокия Михайловна — абразив буюмлари комбинати қолипчиси.

Кулаев Федор Дмитриевич — электротехника заводи слесари.

Қўчқорова Умри — гўшт комбинати ишчиси.

Левада Михаил Харитонович — «Главташкентстрой» 4-қурилиш трести 4-қурилиш бошқармаси арматурачиси.

Лучкин Владимир Васильевич — «Ташсельмаш» заводи слесари.

Мажидова Мукаррам — тамаки фабрикаси папирос-жойлаш машинасининг машинисти.

Матвеев Александр Иванович — тепловоз депоси тепловоз машинисти.

Муренченко Надежда Ивановна — 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармаси бош инженери.

Муртозоев Қаюм — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Муталова Мавжуда — трамвай-троллейбус бошқармаси трамвай ҳайдовчиси.

Найбук Фаина Ивановна — 1-темир-бетон буюмлари заводининг цех бошлиғи.

Носиров Собир — 1-пойафзал фабрикасининг рантчиси.

Невзорова Мария Гавриловна — 6-нон заводининг хамир қорувчи технологи.

Никитенко Григорий Петрович — экскаватор заводининг слесари.

Нишонова Роҳат — чинни заводининг транспортировкачиси.

Новоченко Нина Степановна — «Компрессор» заводининг директори.

Носков Аркадий Алексеевич — «Ташкенткабель» заводининг мастери.

Окунский Владимир Викторович — Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг биринчи секретари.

Орлов Аркадий Александрович — асбобсозлик заводининг слесари.

Петрова Надежда Семеновна

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

(Боши иккинчи бетда).

Семенченко Иван Максимович — «Строймеханизация» трести 3-механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

Скляров Григорий Ефимович — «Шарқ» мебель фирмасининг дурадгори.

Скребнев Василий Степанович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Сонина Анна Михайловна — «Ташкенткабель» заводининг ишчиси.

Сурков Порфирий Федорович — давлат машинасозлик технологияси конструкторлик бюроси Ильич номли заводининг слесарлар бригадаси бошлиғи.

Суханов Аркадий Васильевич — қоғоз комбинатининг старший машинисти.

Тожимуродов Холмурод — йиғувчи слесарь.

Тадулевич Ромауальд Титович — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводининг бошлиғи.

Горбунова Ольга Александровна — «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг прессчиси.

Гуторова Нина Александровна — гўшт комбинати ишчиси.

Даданов Асқар — «Ўрток» кондитер фабрикаси ишчилар бригадасининг бошлиғи.

Жалилов Ахат Жалилович — 1-болалар бирлашган касалхонаси бош врачи.

Жўраев Туроб — Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ректори.

Дикарева Надежда Яковлевна — Тошкент товар станцияси старший стрелкачиси.

Донская Ҳамида Ҳабибуловна — Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи.

Дўстматов Абдулла — 81-мактаб ўқитувчиси.

Егорохин Дмитрий Васильевич — уйсозлик комбинати шихтачиси.

Екшов Евгений Николаевич — пармалаш мастери.

Елецкий Степан Павлович — 4-давлат проект институти бўлим бошлиғи.

Емелин Виктор Георгиевич — Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси директори.

Заводская Анна Кузьминична — кровать заводи никелчиси.

Залялиева Викалия Тахаувна — 1-завод бошқармасига қарашли 4-гишт заводининг гишт пиширувчиси.

Зинченко Наталия Федоровна — абразив буюмлари комбинатининг сараловчиси.

Знёмуҳамедов Юнус — «Узхудожфонд» керамика заводи формовкачи мастери.

Зотова Нина Ивановна — 1-авторемонт заводи контролёри.

Иброҳимов Ғаффор Абдуллажонович — Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректори.

Иброҳимов Зоҳид Ғофурович — Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши саноат материаллари бошқармаси ремонт-механика заводининг токари.

Измайлова Мария Сергеевна — 44-мактаб илмий бўлим мудири.

Эшқулова Ҳалифа — 4-қурилиш трестига қарашли 6-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

Қодиров Собир — 3-завод бошқармасига қарашли гишт заводининг юкчиси.

Қодирова Ҳурия — «Шарқ» мебель фирмаси тайёрлаш цехи станокчиси.

Қадишев Пётр Андреевич — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигига қарашли 2502-автоколонна шофери.

Комилжонова Ўлмас — 2-тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористқаси.

Каприелов Армик Александрович — Ўзбекистон КП Киров район комитетининг биринчи секретари.

Караш Леонид Георгиевич — Тошкент политехника институти доценти.

Каримов Жўра Салимович — ТашРЭС кабель тармоқлари электромонтёри.

Карлов Дмитрий Георгиевич — 3-ун комбинати смена бригадири.

Каспаров Андрей Лазаревич — «Главташкентстрой» автотрест бошқарувчиси.

Касьяненко Николай Николаевич — «Узбекхлопкомаш» заводи мастери.

Кашицина Зоя Александровна — граждан ҳаво флоти линияэксплуатация ремонт устахонаси диспетчери.

Киянова Анастасия Абрамовна — «Узбексельмаш» заводи токари.

Козин Николай Ефимович — Тошкент шаҳар ижроия комитети қурилиш бошқармасининг токарлар бригадаси бошлиғи.

Козлова Анастасия Федоровна — канап йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси.

Қўчқоров Туроб — кўн-мўйна заводи бичиқчиси.

Кучми Пётр Александрович — кўн комбинати директори.

Қўшоқова Муҳаббат — «Шарқ» мебель фирмасининг полировкачиси.

